

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**“СУД ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР”
КАФЕДРАСИ**

**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш
фанидан**

РЕФЕРАТ

**Мавзу: *Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш.***

**Бажарди: 5A380111 йўналиши 1-курс
магистранти Д.Ражабова**

Қабул қилди: доц. О.М.Мадалиев

Тошкент - 2011

**М А В З У: Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш**

М У Н Д А Р И Ж А:

№	КИРИШ	2.
1.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	4.
2.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИГА ОИД АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ	10.
3.	ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ	13.
4.	ХУЛОСА	23.
5.	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	27.

К И Р И Ш

Ўзбекистон мустақиликнинг дастлабки йиллариданоқ ўз олдига “ҳуқуқий-демократик давлат” қуришни мақсад қилиб қўяр экан шубҳасиз бу ўринда қонун устуворлиги ва уни таъминлаш тамойилининг етакчи роль ўйнашини инкор эта олмаймиз. Зеро, бунда юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, “ҳуқуқий давлатнинг барча фуқаролари қонун олдида тенг. Қонун жамият тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза этади. Қатъий тартиб ва интизом, қонунга ҳурмат, анъаналарга ҳурмат – ҳуқуқий давлат фуқаролари учун одатий ҳол”.¹

Юртбошимиз ўз маърузаларида қонун устуворлиги ҳақида сўз юритар эканлар қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар: “Қонуннинг устуворлиги - ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади”².

Албатта, бу ўринда суд ҳуқуқ органлари хусусан, ички ишлар органларининг фаолияти ўзига хос аҳамият касб этади. Юртимизда бугунги кунга келиб “Суд тизими билан бир қаторда жамиятда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар рўй бермоқда”.³

Ана шундай ислоҳотлардан бири ички ишлар органларини тубдан қайта ислоҳ қилиш вазифаси эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бу масалага

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1– Т.: Ўзбекистон, 1996. 15-16 б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1–Т.:Ўзбекистон, 1996. 321-322б

³ Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигида. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август. Халқ сўзи. 2001. йил 30 август.

давлатимиз томонидан чуқур эътибор берилди ҳамда бу мақсадни амалга ошириш учун:

Биринчидан, ички ишлар вазирлиги буйсунув жиҳатдан СССР бошқарувидаги тузилма сифатида тугатилиб, мустақил Ўзбекистон Республикасида қайта ташкил этилди;

Иккинчидан, ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини ва улар фаолиятининг асосий й ўналишларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар вазирлиги тўғрисида” ги Низоми қабул қилинди;

Учинчидан, ички ишлар органларини ислоҳ қилиш кун тартибининг долзарб масалаларидан бирига айланиб, унга давлат даражасида эътибор берилди бошланди.

Юртимизда ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига оид юқорида кўрсатилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши билан бир пайтда бугунги кунга келиб мазкур соҳага оид барча муаммолар тўла ўз ечимини топди дея олмаймиз. Бугунги кунга келиб давлатимиз қонун устуворлигига асосланган фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан бунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Хусусан бундай жамиятда барча қатлам манфаатларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш (Конституциянинг 18-моддаси), виждон эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг осойишта ҳаёт кечиришлари учун барча техник ва бошқа воситаларни ишга солиш, жамият хавфсизлигига реал тҳдид солувчи унсурлардан жамиятни тозалаш, уюшган жиноятчилик ва жиноятчиликка қарши кураш, жамиятнинг жиноятчиликка мойил бўлган қатлами хусусан, вояга етмаган ёшлар орасида тегишли профилактика ишларини олиб бориш каби вазифалар бугунги кунда ечилиши лозим бўлган устувор масалаларнинг моҳиятини ташкил қилади. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасида республикаимизда ички ишлар органлари соҳасини ислоҳ қилиш у билан боғлиқ миллий қонунчилик базасини янада такомиллаштириш давр талабига айланиб қолмоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг бошқарув тизими ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Республика Конституцияси⁴ ва Республика суверенитети ҳақидаги Декларацияга, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида Ички ишлар соҳасини бошқариш функцияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади. Вазирлик ўз ҳуқуқи доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилишни ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг бошқарув тизими, ўзига хос системали ташкилот бўлмиш, ички ишлар органлари ҳақидаги тасаввур нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. У қуйидагиларга имкон беради:

- ички ишлар органларини бошқариш мумкин бўлиши учун улар қандай ташкилий талабларга жавоб бериши кераклигини аниқлашга;
- ички ишлар органлари тизимининг олдига қўйилган мақсадларга самарали эришилганини кафолатлаш учун бошқарув қандай бўлиши кераклигини аниқлашга⁵.

Ана шундан келиб чиқиб, бошқарувнинг ҳар қандай даражасидаги ички ишлар органини юқори турувчи системали ташкилотнинг бошқарув таъсирларига учрайдиган ва айни пайтда ўзи ўз ваколати доирасида иерархик жиҳатдан тобе бўлган ички ташкилий бошқарув объектларига ва ташқи муҳит объектларига бошқарувчи таъсир кўрсатадиган тизим сифатида қараб чиқамиз.

Юқорида системани муайян тарзда тартибга солинган, ўзаро алоқадор ва шу туфайли яхлит тузилма ҳосил қиладиган, ўзига хос хоссаларга эга бўлган элементлар (ёки кичик тизимлар) мажмуи сифатида таърифлаган эдик. У ёки бу ижгамоий тизимнинг мавжудлигини белгиловчи омилни эса ҳар қандай ижгамоий тизимнинг умумий белгилари (ёки система ҳосил қилувчи омиллари)ни белгилловчи муайян ўзига хос мақсадларнинг мавжудлиги ташкил қилади. Уларга, хусусан, қуйидагилар киради: тизимни ташкил қилувчи элементларнинг бутун мажмуида умумий аниқ мақсаднинг мавжудлиги; ҳар бир элемент вазифаларининг тизимнинг умумий мақсадларига бўйсунгани ва тизим олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўзининг функцияларни бажариши; тизим элементлари ўртасидаги аниқ муносабатларнинг, шунингдек, бошқарув органининг ҳамда бошқарув объектидан унинг субъектига томон акс (қайтма) алоқанинг албатта мавжуд бўлиши.

⁴ ЎЗР Конституцияси V-бўлим XVIII-боб., 78-модда 5-банди. Тошкент. Ўзбекистон, 2003. 15-б.

⁵ Ю.С.Пўлатов, И.У.Исмоилов, А.Курбонов. Ички ишлар органларида бошқарув асослари. Тошкент. ЎЗР ИИВ Академияси. 2005. 65-б.

Масалан, ички ишлар органлари учун ана шундай фарқловчи «системали белги» - бу «ўз ваколатлари доирасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқи сари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятига асосий йўналишларини бевосита амалга оширувчи» ўзига хос системали ташкилот сифатида Ўзбекистон Республикаси ИИВ олдида қўйилган мақсадлардир.

Ички ишлар органлари давлат органларининг таркибий қисми бўлиб, қуйидагиларни ифодалайди:

а) давлатнинг топшириш бўйича ва унинг манфаатлари йўлида фаолият кўрсатувчи давлат аппаратининг қисми;

б) умумий мақсад атрофида бирлашган ҳамда жамиятда давлат ҳокимиятини бевосита амалга оширадиган инсонларнинг ташкилий ҳужайраси (органи);

в) инсонларнинг фаолияти ҳуқуқий нормалар билан белгиланадиган ва аниқ ўрнатилган тартибда амалга ошадиган жамоа (ўз тузилиши ва муайян норматив ҳужжатлар билан белгиланган ташкил топиш тартиби мавжуд);

г) муайян ҳудуд (ёки соҳа)да тизимнинг мақсади ва вазифаларига мос келадиган, давлат томонидан берилган давлат-ҳокимият ваколатлари доирасида иш олиб боровчи ҳамда маълум белгиланган масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган ташкилот .

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқ нуқтаи назаридан, давлат бошқаруви органи, хусусан, ички ишлар органи давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, муайян ваколатга, тузилишга, ҳудуд ёки тармоқ миқёсида фаолиятга эга бўлган, қонунда белгиланган тартибда ташкил этиладиган, муайян иш усулларида фойдаланадиган, давлат топшириғи бўйича иш кўриш ваколати берилган ҳамда ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти тартибда ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасида маълум бир вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган ташкилотдир.

Бинобарин, ички ишлар органларининг бошқарув тизими яхлит бутунлиқни ташкил этувчи ҳамда жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш мақсадида бир-бирлари билан алоқада бўлувчи таркибий бўлинмалар мажмуидир.

Ички ишлар органлари бошқарув тизимлари элементлари бошқармалар, бўлимлар, бўлинмалар шаклидаги таркибий тузилмалар ташкил этади. Айни пайтда ички ишлар органларининг айрим ходимлари ҳам ушбу тизимнинг ўзига хос элементи ҳисобланади.

Барча элементлар ўзаро ва бутун тизим билан боғлиқдир. Улар бир-бирларига муҳимлиги жиҳатидан ҳар хил таъсир кўрсатади. Бундай таъсирнинг икки тури ажратилади: бошқарувчи таъсир ва ахборот таъсири.

Бошқарув таъсири юқори турувчи ёхуд таркибий бўлинма қўйи турувчи органга ёки унинг таркибий бўлинмасига кўрсатадиган, субординацион хусусиятга эга бўлган ва тобе органнинг қандайдир амалий вазифани бажаришига қаратилган таъсирдир. Бошқарувнинг бундай шаклида қўйи турувчи таркибий бўлинма амалий вазифанинг бажарилиш натижалари ҳақида

хабар бериши шарт. Юқори турувчи ички ишлар органларининг куйи турувчи орган-ларга субординацион таъсирининг моҳияти ана шунда намоён бўлади. Масалан, ички ишлар бошқармаси туман ички ишлар бўлимига у инспекторлик текширувида кўрсатилган камчишларни бартараф этшп ҳақидага кўрсатмаларни бажарганлик ҳақида маълумотлар бериши учун таъсир кўрсатади.

Ахборот таъсири бир ички ишлар органидага ўзаро бўйсунмайдиган таркибий бўлинмаларнинг ёхуд бошқармалар мустақил тизими элементларининг таъсиридир. Масалан, туман ички ишлар бошқармаси Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида оғир жиноят содир этган жиноятчининг шахси ҳақидаги ахборот билан Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ички ишлар ҳудудий органлари ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларидага ички ишлар бошқармаларига йўналиш беради. Ушбу мисолда кўрсатилган таъсир ахборот бериш хусусиятига эга бўлиб, ушбу жиноятчининг қаерда эканлигини аниқлаш ва ушлашга хизмат қилади ⁶.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

- Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, кадрлар билан ишлаш

- ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларига умумий раҳбарлик қилади ва бу ишларни мувофиқлаштиради, методик жиҳатдан таъминлайди;

- ҳуқуқбузарликлар ҳамда жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда республика дастурини тайёрлайди ва амалга оширади, мазкур йўналишлар бўйича умумиттифоқ дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

- ҳуқуқ-тартибот масалалари юзасидан республика қонунчилигини ишлаб чиқишда таклифлар киритади ва қатнашади;

- ўз ҳуқуқи доирасида Ички ишлар органлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди;

- Ички ишлар органларида режалаштириш, назорат қилиш ва ахборот-аналитик фаолиятнинг ягона тизимини белгилайди, ташкил этади ва таъминлайди;

- республика маълумотнома-ахборот фондларини, оператив-қидирув ва кадрларни ҳисобга олишни шакллантиради, республика криминалистик ҳисобот-ахборот тизимини тузади, Ички ишлар органлари фаолияти масалалари юзасидан давлат статистика ҳисоботини олиб боради;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган транспорт Ички ишлар органларига, Ички ишлар органлари ўқув юртларига раҳбарликни амалга оширади;

- оператив-қидирув ишларини ташкил этади ва амалга оширади;

⁶ Ю.С.Пўлатов, И.У.Исмоилов, А.Қурбонов. Ички ишлар органларида бошқарув асослари. Тошкент. ЎзР ИИВ Академияси. 2005. 65-6.

- қонунчилик томонидан Ички ишлар органлари зиммасига юклатилган жиноятлар ҳақидаги дастлабки сўроқ ва терговни таъминлайди;

- тергов ва суддан яшириниб юрган айбланувчи, ҳукмни ижро этиш ва жазони ўташдан бўйин товлаб юрган жазога тортилган шахсларни, бедарак йўқолган ва қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидириш ишларини ташкил этади;

- судларнинг ажримлари, прокурорларнинг қарорлари ва терговчилар ва дастлабки терговни олиб борган шахсларнинг прокурор томонидан қамоққа олиш ҳулоаси тўғрисида санкция берилган қарорларининг, шунингдек, қонунчилик томонидан Ички ишлар органлари зиммасига ижро этиш юклатилган мажбур этишнинг бошқа чораларини қўлланиши ҳақидаги бошқа қарорларнинг ижросини таъминлайди;

- ҳибсга олинганлар ва ушланганларни қўриқлаб ва кузатиб боришни ташкил этишни таъминлайди;

- озодликдан маҳрум этишга, сургун, бадарға қилишга ҳамда қонунчилик томонидан Ички ишлар органларининг зиммасига ижро этиш юклатилган жазонинг бошқа турлари бўйича ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд ҳукмларининг ижро этилишини ташкил этишни таъминлайди;

- жазога ҳукм этилганлар ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш ишларини белгиланган тартибда ташкил этади, қонун томонидан белгиланган жазони ўташ режимига қатъий риоя қилинишини, жазога ҳукм этилганларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, улар билан сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боришни ташкил этади, манфаатдор вазирликлар ва муассасалар билан биргаликда жазога ҳукм этилганларга умумий таълим ва ҳунар-техника таълими беришни ташкил этади ва амалга оширади, содир этилган жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилигини, жазога ҳукм этилганнинг шахсияти, шунингдек, унинг ҳулқ-атвори ва меҳнатга муносабатини ҳисобга олган ҳолда жазога ҳукм этилганлар ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш воситаларини танлашда яқка тартибда иш олиб боришни таъминлайди, бунда педагогика, психология ва бошқа фанлар соҳасида эришилган ютуқлардан кенг фойдаланади;

- озодликдан маҳрум этилган жойлардан бўшатишган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий назорат қилиб туради, шунингдек, қонун томонидан белгиланган ҳолларда шартли равишда жазога ҳукм этилган ва шартли равишда жазони ўташдан озод этилган шахсларни назорат қилиб боради;

- республика ҳудудида паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлайди, чегара қўшинлари билан биргаликда фуқароларнинг чегара режими қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади, чет эллик ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улар учун белгиланган яшаш ва кўчиш қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиб боради;

- қонунчиликка мувофиқ ўт очиш ва совуқ қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, кучли таъсир этувчи заҳарли, наркотик ва радиоактив

моддаларни сотиб олиш, сақлаш ва ташишни, ўқ отиш тирлари ва отишма жойларини, қурол-яроғларни тузатиш ва пиротехника корхоналари, ов ва спорт қуроллари билан савдо қилувчи магазинларни очишни ва уларнинг ишлашини назорат қилиб боради;

- белгиланган тартибда полиграфия ҳамда штемпель-гравюра корхоналарини очиш ва уларнинг ишини, шунингдек, полиграфия асбоб-ускуналарини сотиб олиш, сақлаш ҳамда муҳр ва штампларни тайёрлашни назорат қилиб боради;

- республикада давлат ёнғин назоратини амалга оширади, аҳоли яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларини ёнғиндан сақлашни таъминлайди, бошқа вазирликлар ва идораларнинг ёнғиндан сақлаш бўлинмалари ишини назорат қилади ва бошқаради, республика ёнғиндан сақлаш ташкилотларининг биргаликда иш олиб бориш тартибини белгилайди;

- табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар рўй берганда одамларни ва мол-мулкни қутқаришда қатнашади, бунда жамоат тартиби сақланишини таъминлайди, мол-мулкни муҳофаза қилишни ташкил этади, бундай ишларга аҳолини, шунингдек, транспорт ҳамда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга тегишли воситаларни қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган авария - қайта тиклаш ишларини ўтказишга жалб қилишга кўмаклашади;

- шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда йўл ҳаракатини ва автомобиль йўлларида қатновни бошқаришни ташкил этади, вазирликлар, идоралар ва транспорт ташкилотларининг автототранспорт ҳамда шаҳар электр транспорти аварияларининг олдини олиш чора-тадбирларини ўтказишларини назорат қилади;

- корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга тегишли автототранспорт воситаларини рўйхатга олади ва ҳисобга олиб боради, шунингдек, ана шу транспорт воситаларининг техника аҳволини назорат қилиб туради;

- кўчалар, автомобиль йўллари ва улардаги йўл иншоотларининг беҳатар ҳаракат қилишни таъминлайдиган аҳволда бўлишини назорат қилиб боради, улардан фойдаланиш шароитларини яхшилаш тадбирларини кўради, автотранспортдан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солган ҳолларда кўчалар ва автомобиль йўллариининг айрим участкаларида автотранспорт ҳамда пиёдалар қатновини белгиланган тартибда чеклайди ва тақиқлайди;

- корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа объектларни, шунингдек, фуқароларнинг уйлариини белгиланган тартибда муҳофаза қилишни ташкил этади ва амалга оширади, идоравий кўриқлашни инспекция қилади, кўриқлашнинг ишончлилигини ва бу ишларга харажатларни камайтириш чораларини кўради;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда кўчалар, ҳовлилар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойлар ҳудудини, шунингдек, меҳнаткашлар дам оладиган шаҳардан ташқари жойлар ва чўмиладиган жойларда санитария қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиб боради;

- эпидемиялар ва эпизоотияларга қарши курашда, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда, браконьерликка ҳамда ов ва балиқчилик қоидаларининг бузилишига қарши курашда карантин тадбирлари ва чораларини амалга оширишда тегишли идораларга ёрдам беради;

- Ички ишлар органлари тизимида буғ қозонлари назорати инспекцияси ишини ташкил этади;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ҳуқуқи доирасига тааллуқли масалалар бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади;

- жамоат бирлашмалари, ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда иш олиб боради;

- ўз ҳуқуқи доирасида ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаролар мудофааси тадбирларини амалга оширади;

- хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чоғида қонунчиликка мувофиқ хулосалар беради ва назоратни амалга оширади.

Ички ишлар Вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, ИИВ - давлат бошқарув органи ҳисобланиб, давлат хизмати сифатида давланинг белгиланган қуйидаги муҳим вазифаларини бажариши назарда тутилган, жумладан:

- конституцион тузумни таъминлаш;
- давлат бошқаруви функцияларини бажариш;
- сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мувозанатни таъминлаш;
- сиёсий қарорларни тайёрлаш ва амалга ошириш;
- инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда давлат мажбурловини қўллаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига оид асосий вазифалари

-фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

-жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва очиш чораларини кўриш, ички ишлар органлари ваколатига киритилган жиноят ишларини тергов қилиш;

давлат мулки, хусусий мулк ва бошқа шакллардаги мулкларни муҳофаза қилишни ташкил этиш;

-жамоат тартибининг муҳофаза қилинишини, ижтимоий хавфсизлик, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

-Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган доираларда фуқаролар, мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жмоат бирлашмаларига уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш;

-ички ишлар органларининг ваколатига киритилган маъмурий жазоларнинг ижросини таъминлаш;

-ички ишлар органларига бўйсунувчи идораларга уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши, фаолиятини уюштириши ва такомиллаштириши борасида раҳбарлик қилиш;

-ички ишлар органларига бўйсунувчи идоралар фаолиятининг қонунунийлигини таъминлаш чораларини кўриш;

-ички ишлар органлари, бўлинмалари ва муассасалари кадрларини танлаш, ўқитиш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш борасидаги ишларни ташкил қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашдир.

Ички ишлар органларининг яна бир ўта муҳим бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясидан келиб чиққан вазифаларидан бири бу суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб бориш фаолиятидир.

Суриштирув:

1) жиноятнинг олдини олиш еки унга йўл қўймаслик;

2) далилларни тўплаш ва сақлаш;

3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;

4) жиноят туфайли етказилган моддий зиен қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 344-моддаси “Дастлабки терговни олиб боришга ваколатли мансабдор шахслар”ни

белгилаган. Унга кўра, дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради.

Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин.

Жиноят кодексининг 104-113, 120, 122, 123, 127, 130-135, 137-140, 164-166, 168-174, 176-181, 184, 185, 185-1, 188-192, 213, 214, 222, 224, 226-229, 243, 247-250, 259-263, 266-278-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

(26.05.2000 йил 82-II-сонли XVII бўлими, 15.12.2000 й 175-II-сонли 10-бўлими 30.08.2002 й 405-II-сондаги IV-бўлимига асосан рақамлар бекор қилинди ЎзР Қонунларининг таҳрири)

Жиноят кодексининг 167, 176-181, 184, 185, 185-1, 185-2, 188-192 244-1, 244-2, 244-3-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади.

(ЎзР нинг 15.04. 1999 йил 772-I-сонли VIII-бўлими 6-бандига асосан, 30.08.2002 йил 405-II-сонли Қонун IV-бўлимига, 31.12.2005 йил Қонунининг 4-моддасига, 22.06.2006 йил ЎРҚ-37-сон Қонунини 2-моддасига асосан таҳрирга рақамлар киритилди)

Жиноят кодексининг 237-241-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ушбу иш қўзғатилишига сабаб бўлган жиноят қайси органнинг терговига тегишли бўлса, ўша орган томонидан олиб борилади.

Терговни олиб боришда бошқа дастлабки тергов органи терговига тегишли янги жиноят аниқланса, ишни юритаётган дастлабки тергов органи фақат тегишли прокурорнинг розилиги билан терговни тўлиқ ҳажмда тамомлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 346-моддаси “ Худудий жиҳатдан терговга тегишлилик” ка оид бўлиб, унда қайд этилишича :

Жиноят қасрда содир этилган бўлса, жиноят иши ўша туман (шаҳар) терговчисининг терговига тегишли бўлади.

Дастлабки тергов, башарти иш ҳолатларини анча тез, пухта, тўла, холисона, ҳар томонлама текширишга ердам берса, иш қўзғатилган жойда еки гумон қилинувчи ехуд айбланувчи еки гувоҳларнинг қўпчилиги турган ерда ўтказилиши ҳам мумкин.

Юқори турувчи прокурор еки юқори тергов бўлинмаси бошлиғининг фармойишига асосан дастлабки тергов худудий жиҳатдан терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда олиб борилиши ҳам мумкин.

Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг суриштирув ва тергов қилиш каби вазифаларини бевосита ташкилий тузилиш тамойилларидан келиб чикқан ҳолда, худудийлик принципига мувофиқ равишда олиб борадилар.

Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини, уларга берилган давлат-ҳокимият ваколатларини амалга ошириш жараёнида уларга

бўйсунмайдиган объектлар учун бажарилиши мажбурий бўлган кўп сонли қарорлар(бошқарув ҳужжатлари)ни қабул қиладилар.

Масалан: ички ишлар органлари қабул қиладиган айрим бошқарув қарорларини муваффақиятли бажариш мақсадида, улар ҳақида жамоатчиликни, ё бундай қарорларнинг бевосита ижрочилари бўлган, ё уларни бажаришга муайян даражада жалб этилиши мумкин бўлган корхона, ташкилот, муассасалар маъмуриятини ҳабар қилиши зарур.

Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда транспорт ва йўловчилар ҳаракатини чеклаш(бу ҳақда жамоатчилик ҳабардор қилинади), лицензия ва рухсатномалар бериш тизими объектининг фаолиятини тўхтатиш (бу ҳақда тегишли маъмуриятга маълум қилинади)(, болалар қаровсизлигига қарши курашни кучайтириш (ушбу ҳолда ички ишлар органининг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўлими бевосита ижрочи бўлади, қарор ҳақида эса вояга етмаган ишлари билан шуғулланувчи комиссияга, мактабларнинг маъмуриятлари ва педагогик жамоалари кабиларга ҳабар берилади) ана шундай қарорларнинг мисоли бўлиши мумкин.

3. Ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлашнинг миллий қонунчилик базаси ва уни амалга ошириш.

Ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлашнинг миллий қонунчилик базаси ҳақида сўз юритишдан олдин жамоат тартиби тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак.

Юридик адабиётларда хусусан, жинойт ва маъмурий қонунчиликда жамоат сўзи билан боғлиқ бўлган “ижтимоий хавфсизлик”, “ижтимоий хавфлилик даражаси” ёки “жамоат айбловчиси”, “жамоат оқловчиси” каби атамаларни кўплаб учратишимиз мумкин бўлсада айнан “жамоат тартиби” деган атама мазкур адабиётлар тоифаси ҳамда улар муаллифларининг эътиборидан четда қолиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг ўзини ҳам қўйидаги икки омил билан асослашимиз мумкин:

Биринчидан, “жамоат тартиби” атмасини тушуниш бошқа атамаларга нисбатан яъни, “ижтимоий хавфлилик” ёки ижтимоий хавфлилик даражаси” кабиларбилан таққослайдиган бўлсак уни изоҳлаш ортиқча мураккабликларни келтириб чиқармайди;⁷

Иккинчидан, мазкур атамани тушунишнинг умумий мезонлари барча давлатларда деярли бир хил бўлиб улардаги фарқ унчалик сезилмайди. Айнан шу икки омилга асосланган ҳолда олимларнинг “жамоат тартиби” тушунчасини изоҳлашни лозим деб топмаганлар деган асосли хулоса чиқаришимиз мумкин. Ушбу тушунчага нисбатан муайян даражадаги конкрет таъриф мавжуд бўлмасда ҳуқуқда шаклланган умумий назарий қоидаларга асосланган ҳолда “жамоат тартиби” тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қилиб кўрамыз. Демак, “жамоат тартиби” - муайян жамиятда истиқомат қилаётган инсонларнинг тинч ва осойишта яшаши бўлиб, унга қарши ишлатилган ҳар қандай тажовуз тегишли қонунчиликда белгиланган тартибда таъқиб қилинади ҳамда жазоланади.⁸

1991 йил 25 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида” ги Низомга мувофиқ вазирлик ўз ҳуқуқи доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилишни ва жинойтчиликка қарши курашни таъминлайди.

Айни пайтда низомга мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, жинойтчиликка қарши кураш ишларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек “Ички ишлар органлари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим”.⁹ Бу вазифани амалга ошириш учун вазирлик:

⁷ Большой Юридический словарь.: Норма-Инфра.: 1999.г. стр. 453.

⁸ Россия: новый этап неолиберальных реформ: Социальная и социально-политическая ситуация в первой половине 1997 года/Под ред. Г.В.Осипова (руководитель), В.К.Левашова, В.В.Локосова. М., Республика, 1997. стр. 156.

⁹ Ўзбекистон XXI асрга интиломда биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза, 1999 йил 14 апрель. Халқ сўзи. 1999 йил. 15 апрел.

1. жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш республика дастурини тайёрлайди ва амалга оширади, мазкур йўналишлар бўйича республика дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

2. жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича республика тадбирларини ўтказишни кучлар ҳамда воситалар билан бошқаради;

3. табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар рўй берганда одамларни ва мол-мулкни қутқаришда қатнашади, бунда жамоат тартиби сақланишини таъминлайди, мол-мулкни муҳофаза қилишни ташкил этади, бундай ишларга аҳолини, шунингдек, транспорт ҳамда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга тегишли воситаларни қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган авария - қайта тиклаш ишларини ўтказишга жалб қилишга кўмаклашади;

4. ҳуқуқбузарликдан ва бахтсиз ҳодисалардан зарар кўрган ҳамда жамоат жойларида оғир аҳволда қолган шахсларга шошилиш ёрдам кўрсатишни ташкил этади;

5. ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларида оммавий тартибсизликлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун соқчи қисмларининг кучлари ва воситаларидан фойдаланади, жамоат тартибини сақлаш ва тасарруфидаги ҳудудда фавқулодда вазиятларда ўз вазифаларини бажариш учун милициянинг махсус моторлаштирилган қисмларини жалб этади.

Таъкидлаб ўтиш керакки бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Айнан ана шу мақсадда давлатимиз томонидан жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ бўлган қўплаб норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Бундай норматив-ҳуқуқий актлар тизими жумласига қўйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. 2000 йил 26 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида” ги Қонуни;¹⁰

2. 2003 йил 13 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15-сонли қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш Қоидалари”;¹¹

3. 1999 йил 1 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 93-сонли Қарори;¹²

4. 2005 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва “Саноатконтехназорат” инспекциясининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни автомобил транспортида ташиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги қўшма қарори ва бошқаларни киритишимиз мумкин.¹³

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2000 й. 5-6-сон, 151-модда

¹¹ "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2003 й., N 1, 6-модда.

¹² "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 1999 йил. № 93. 15-модда.

¹³ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 27-сон, 200-модда.

Юқорида номлари қайд этилган ҳужжатларда бевосита жамоат тартиби билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган. Хусусан, 2000 йил 26 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида” ги Қонунини кўриб чиқадиган бўлсак, унга мувофиқ қўйидагилар фуқаро муҳофазасининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади:

- аҳолини ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу
- ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимояланиш усулларига ўргатиш;
- объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки
- шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларига тайёрлаш;
- бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;
- халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш;
- аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш;
- фуқаро муҳофазаси ҳарбий тузилмаларининг шайлигини таъминлаш;
- аҳолини умумий ва яқка муҳофазаланиш воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш;
- аҳолининг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтидаги ёки шу ҳаракатлар оқибатидаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш;
- радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш;
- қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш;
- ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш.

Қонунга мувофиқ фуқаро муҳофазасини ташкил этиш учун фуқаро муҳофазаси тузилмалари ташкил этилади. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун ҳудудий-ишлаб чиқариш принципига кўра ташкил этилади.

Фуқаро муҳофазаси тузилмалари:

- бўйсунувига кўра - ҳудудий (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги) ҳамда объект (халқ, хўжалиги объектларидаги) тузилмаларига;
- белгиланган вазифасига кўра - умумий мақсаддаги (зарарланиш ўчоқларида қутқарув ишларини олиб бориш учун) тузилмаларга ва махсус тадбирларни бажарувчи хизматлар (қидирув ишларини олиб бориш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнгинларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва уларни ўчириш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳоказо) тузилмаларига бўлинади.

Фуқаро муҳофазаси тузилмаларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари: 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинади, сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар, I, II, III гуруҳ, ногиронлари, ҳомиладор аёллар, саккиз ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, шунингдек, уч ёшга тўлмаган болалари бор, ўрта ёки олий тиббий маълумотли аёллар бундан мустасно.

Ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш тўғрисида сўз кетганда бу ўринда оммавий тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказиш тартиби 2003 йил 13 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15-сонли қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш Қоидалари” га мувофиқ амалга оширилади. Қоидаларга мувофиқ “мақсадлари учун кўнгилочар, театр-томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ва бошқа дам олиш дастурларини, шунингдек камида 100 киши иштирокида умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўтказиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан очик ва ёпиқ иншоотларда, майдонларда, биноларда ва бошқа жойларда ташкил этиладиган кишиларни тўплаш оммавий тадбир деб эътироф этилади”.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахслар оммавий тадбирларни ўтказиш ташкилотчилари бўлишлари мумкин.

Қуйидагилар: ташкилотчилар, артистлар, спортчилар ва дастурда назарда тутилган томошали чиқишларни (ҳаракатларни) бевосита амалга оширувчи бошқа шахслар ҳамда томошабинлар оммавий тадбирлар қатнашчилари ҳисобланади. Оммавий тадбирлар рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган бундай мақсадлар учун махсус мўлжалланган жойларда, тегишли рухсатнома олингандан кейин ўтказилади. Оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома:

- республика (Қорақалпоғистон Республикаси учун) аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирларни ўтказишга - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши;

- вилоят ва шаҳар (Тошкент шаҳри учун) аҳамиятига эга бўлган тадбирларни ўтказиш учун - вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

- туман (шаҳар) аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирларни ўтказишга - туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан берилади.

Халқаро ва умумлавлат аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этиладиган оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома олиш талаб этилмайди. Оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома бериш масалаларини кўриб чиқиш ва улар устидан назоратни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилувчи комиссиялар ташкил этилади. Комиссияларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари бошчилик қилади. Комиссиялар таркибига Ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органлари ва бошқа манфаатдор муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қиради.

Комиссияларнинг шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимлар томонидан тасдиқланади.

Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби муҳофаза қилинишини ва хавфсизликни таъминлаш ички ишлар органлари томонидан бюджет маблағлари, шунингдек хайрия ва диний мақсадларда ўтказилаётган тадбирлар ҳисобига пулли-шартнома асосида амалга оширилади, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ташкил этилаётган оммавий тадбирлар бундан мустасно

Оммавий тадбир ўтказилишини, жамоат тартиби, томошабинлар ва қатнашчиларнинг хавфсизлиги муҳофазаси таъминланишини мураккаблаштирувчи ҳамда тадбир бошлангунга қадар бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар аниқланган тақдирда ишчи гуруҳлар комиссияга мазкур тадбирни ўтказишни кейинроқ муддатга қолдириш, уни томошабинларсиз ўтказиш ёхуд оммавий тадбирни бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритадилар. Комиссия оммавий тадбир ташкилотчилари ва объект маъмурияти вакиллари иштирокида оммавий тадбир ўтказилишигача ўттиз олти соатдан кечикмай тегишли қарор қабул қилади. Мазкур тадбирни ўтказиш кейинроқ муддатга қолдирилиши, уни томошабинларсиз ўтказиш ёхуд оммавий тадбир бекор қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда комиссия, оммавий тадбир ташкилотчилари, ички ишлар ҳудудий органлари оммавий тадбир бошланишидан камида бир кеча-кундуз олдин томошабинлар ва бошқа қатнашчилар қабул қилинган қарордан, оммавий тадбир ўтказишнинг янги муддатларидан, чипталар қиймати ва томошабинларнинг бошқа харажатлари қайтарилиши шартларидан хабардор қилинишини таъминлайдилар. Оммавий тадбир ўтказиладиган жойларда кўзга кўринарли ва қулай жойларда оммавий тадбир ўтказилиши кейинроқ муддатга қолдирилганлиги, у томошабинларсиз ўтказилиши ёхуд оммавий тадбир бекор қилиниши тўғрисидаги ахборот жойлаштирилиши керак.

Йирик оммавий тадбирларни (спартакиадалар, халқаро мусобақаларни) тайёрлаш ва ўтказишда тегишли муассасалар ва хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун ташкилий кўмиталар ташкил этилади, тадбирга келувчилар учун хавфсиз шароитларни, жамоат тартибини бузиш ҳолатлари намоён бўлиши профилактикасини, ёнғин хавфсизлигини, тиббий таъминотни таъминловчи, тадбирлар ўтказиладиган жойлар тўлдирилиши ва томошабинлар эвакуация қилиниши тартибини, фавқулодда ҳолатлар юз берган тақдирда хизматларнинг вазифаларини назарда тутувчи оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишнинг аниқ режалари ишлаб чиқилади.

Қоидаларнинг 6-бобида “Оммавий тадбирлар қатнашчиларининг жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлашга доир мажбуриятлари ва ҳуқуқлари” оммавий тадбирлар ташкилотчилари ва ички ишлар органлари зиммасига жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ бир қанча мажбуриятлар юкланган. Унга мувофиқ оммавий тадбирлар ташкилотчиларининг мажбуриятлари:

❖ оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва объектнинг маъмурияти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

❖ оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойни танлашда жамоат тартиби муҳофаза қилиниши ва хавфсизлик таъминланиши шарт-шароитларининг мавжудлигини ҳисобга олиш;

❖ оммавий тадбирларни ўтказиш вақтини танлашда томошабинлар ва тадбирларнинг бошқа қатнашчилари томонидан жамоат транспортдан фойдаланиш имкониятлари, ёнғин хавфсизлиги, тез тиббий ёрдам ва бошқа махсус хизматлар автомашиналари учун кириш жойлари мавжудлигини ҳисобга олиш;

❖ оммавий тадбирда иштирок этувчи давлат бошқарув органлари ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар раҳбарларини, фахрий меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш жойларида шарт-шароитларни таъминлаш ва барпо этиш масаласини ички ишлар ҳудудий органлари ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишиш;

❖ объект маъмурияти билан биргаликда объектдаги ўринлар сонини ҳамда тартиб ва хавфсизлик таъминланишига таъсир кўрсатувчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда тадбирлар қатнашчилари сонини аниқлаш;

❖ ички ишлар ҳудудий органлари ва миллий хавфсизлик хизмати билан келишган ҳолда уларнинг ходимларини жойлаштириш учун томошабинлар ўтирадиган жойларнинг турли жойларида ўринларнинг зарур сонини ажратиш (ҳар бир секторда камида 10 ўрин, стадионларда эса - ҳар бир қаторда камида битта ўрин);

❖ чипта (таклифнома)ларнинг орқа томонида объектга олиб кириш тақиқланган буюмлар ва ашёлар рўйхати тўғрисида ахборот ҳамда тадбирлар ўтказиладиган жойларда металл бўйича детектор назорати тўғрисидаги билдиришнома мавжуд бўлишини таъминлаш;

❖ оммавий тадбирларни тайёрлашда уларни ўтказишда жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизлик таъминланиши бўйича ички ишлар органларининг харажатларини қоплаш учун зарур бўлган пул маблағлари ажратишни назарда тутиш;

❖ оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби муҳофазаси ва хавфсизлик таъминланиши юзасидан ички ишлар органлари билан шартномалар тузиш ҳамда уларга мувофиқ пул маблағлари ажратиш;

❖ мазкур Қоидаларга мувофиқ оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида жамоат тартиби муҳофаза қилиниши ва хавфсизлик таъминланиши масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг талабларини бажариш;

❖ белгиланган ҳолларда тадбирларни фото, аудио, видео суратга олиш ва кинога олиш тақиқланиши тўғрисида тадбир қатнашчиларини олдиндан хабардор қилиш.

Айни пайтда оммавий тадбир ташкилотчилари ички ишлар ҳудудий органларидан тадбирларни ўтказиш пайтида объектда жамоат тартиби муҳофазаси ва хавфсизлик таъминланиши учун шартнома шартларига мувофиқ кучлар ва техник воситалар ажратилишини талаб этиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Оммавий тадбирлар ўтказиш чоғида ички ишлар органларининг мажбуриятлари ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Чунки ички ишлар

органлари оммавий тадбирлар ўтказилишида жамоат тартибини сақлашда бевосита жавобгар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланадилар. Қоидаларга мувофиқ оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида ички ишлар органларининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

Биринчи, оммавий тадбирлар ҳажми, хусусияти ва унинг қатнашчилар сонини ҳисобга олган ҳолда жамоат тартиби муҳофаза қилиниши ва хавфсизлик таъминланиши учун етарли бўлган зарур кучлар ва техник воситаларни жалб этиш;

Иккинчи, жамоат тартибини муҳофаза қилиш чоғида миллий хавфсизлик хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, оммавий тадбирлар ўтказиш даврида йўл хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

Учинчи, чипталар сотиш чоғида кассаларда ва объектга туташиб кетган ҳудудда жамоат тартиби муҳофаза қилинишини таъминлаш;

Тўртинчи, оммавий тадбирлар ташкилотчилари ва объектлар маъмурияти билан биргаликда томошабинлар ва қатнашчиларининг тадбирлар ўтказиладиган жойга хавфсиз ўтишларини таъминлаш;

Бешинчи, маст ҳолатдаги ёки гиёҳванд моддалар таъсири остидаги шахсларнинг омманий тадбирлар ўтказиладиган объектларга ўтишига, шунингдек, иншоотларда ва уларга яқин жойларда спиртли ичимликлар ичилишига йўл қўймасликда иншоотлар маъмуриятига қўмаклашиш;

Олтинчи, томошабинларнинг уюшиб ўтишлари ва уларни минбарларга, бунинг учун ажратилган бошқа жойларга жойлаштиришда объектлар маъмуриятига қўмаклашиш;

Еттинчи, трибуналар, секторларда ва туташиб кетган ҳудудда жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва, хавфсизлик ишларини ташкил этиш, объектга келувчиларнинг хуқ-атворининг белгиланган қоидаларга риоя этишлари устидан назорат қилиш;

Саккизинчи, жамоат тартибини ва маъмурият томонидан белгиланган хуқ-атвор қоидаларини бузувчи шахсларни жавобгарликка тортиш;

Тўққизинчи, эвакуация йўллари ва ёнғин хавфсизлигининг ҳолати устидан назорат қилиш;

Ўнинчи, спорт жамоалари ва ижодий жамоаларга, шу жумладан театр-томоша ва спорт муассасаларининг бошқа ходимларига оммавий тадбирлар ўтказиш чоғида пайдо бўладиган ноодатий вазиятлар шароитларида ўзини тутиш қоидалари бўйича, шунингдек томошабинларнинг агрессив ҳис-туйғуларини қўзғатувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик тўғрисида йўл-йўриқлар бериш;

Ўн биринчи, оммавий тадбирлар тамом бўлгач, зарурат бўлганда зса уларни ўтказиш даврида (ёнғин, табиий офатлар, фавқулодда вазиятлар ва бошқалар келиб чиққан тақдирда) Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли хизматлари ва объектлар маъмурияти билан биргаликда томошабинлар ва тадбирлар қатнашчиларини трибуналар, секторлар ва уларга туташиб кетган ҳудудлардан эвакуация қилиш жараёнини (ташкил этиш ва бошқариш, шунингдек уларнинг жамоат транспортида, жўнаб кетишларини ташкил этиш.

Оммавий тадбирлар ўтказиш жараёнида ички ишлар органларига жамоат тартибини таъминлаш учун бир қанча ҳуқуқлар ҳам берилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- тадбирларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш юзасидан оммавий тадбирларни ўтказиш ташкилотчилари билан шартномалар тузиш;

- тадбир ўтказиладиган жойга одамлар хавфсизлигига таҳдид қилувчи буюмлар ва ашёлар олиб кирилишига йўл қўймаслик мақсадида қатнашчилар, шу жумладан махсус техник воситалар қўлланилган ҳолда кўздан кочирилишни амалга ошириш;

- оммавий тадбирлар ташкилотчиларидан, иншоотлар ва тадбирлар ўтказиладиган бошқа объектлар маъмуриятидан:

- иншоотдаги ўринлар сонидан ёки томошабинлар ва тадбир қатнашчилари учун тайёрланган жойлардан ортиқча чипталар сотмасликни ва махсус рухсатномалар тарқатмасликни;

- ўтиш жойлари ва эвакуация йўллари ҳар хил буюмлар билан тўсиб қўйилмаслигини;

- иншоот ичида ва унга туташиб кетган ҳудудда спиртли ичимликлар билан савдо қилиш тақиқланиши талаб қилиш;

- объектлар маъмуриятига объектга келувчилар, айниқса ёшлар ва ўсмирлар билан қатнашчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш қоидаларига риоя этишлари бўйича кўргазмали ташвиқот, маҳаллий ретрансляция тармоғи ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда вақти-вақти билан тушунтириш ишлари олиб бориш мажбуриятини юклаш;

- ёнғин хавфсизлиги талаблари бажарилишини;

- иншоотлар маъмуриятининг энг тайёргарлик кўрган ходимларининг кучлари билан назорат-ўтказиш режими ташкил этилишини, қатнашчилар ва томошабинлар улар томонидан сотиб олинган чипталар, махсус рухсатномалар ва таклифномаларга мувофиқ трибуналар ва секторларга жойлаштирилишини ташкил этишини талаб этиш.

Қоидаларга мувофиқ бир йилда камида бир марта ички ишлар ҳудудий органлари томонидан тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда фойдаланиш ишончилигини ва қурилиш конструкциялари чидамлилигини, эвакуация йўллариининг нормативларга мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек ёнғин хавфсизлиги чораларини белгилаш мақсадида оммавий тадбирлар ўтказиш учун фойдаланиладиган томошалар ўтказиладиган иншоотларнинг техник текшируви ўтказилади. Текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилади. Далолатнома аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш учун комиссияга юборилади.

Юқоридаги ҳужжатлар билан бир қаторда ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ ҳужжатлар орасида 1999 йил 1 мартда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, мазкур қарорнинг қабул

қилинишига Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг 16 феввалида содир этилган мудҳиш қўпоровчилик ҳаракатлари сабаб бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ Ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига жиноят содир этган шахсларга башарти, уларнинг айблари далиллар ёрдамида исботланган бўлса уларга қарши суриштирув ва тергов ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти юкланди.

Жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Бу ўрида сўз уларнинг ўз вазифаларини амалга ошириш чоғида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатлар ва уларнинг олдини олишдаги ўзаро ҳамкорлик ҳақида сўз кетмоқда. Бундай ҳамкорликка бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, суд ижро ҳаракатларини амалга ошириш чоғида жамоат тартибини сақлаш мақсадида суд ижроия департаменти ходимларининг тегишли ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликларини кўришимиз мумкин. Ҳамкорликнинг бундай тури 2007 йилнинг 12 январида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича Йўриқнома” да мустаҳкамланган. Мазкур Йўриқнома суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари билан ички ишлар органларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш (кейинги ўринларда матнда - ижро ҳаракатлари) жараёнида жамоат тартибини таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорлиги тартибини белгилайди.

Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиганда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш талаб этилса, суд ижроچиси бу ҳақда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлими катта суд ижрочисига маълум қилади. Катта суд ижрочиси шу куннинг ўзида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи номига ёзма талабнома билан мурожаат қилади. Бунда ёзма талабнома қоида тариқасида ижро ҳаракатларини амалга оширишдан бир кун олдин юборилиши лозим.

Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи катта суд ижрочиси томонидан юборилган ёзма талабномани олгач, ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларини белгилайди. Бунда ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органи ходимларининг сони икки кишидан кам бўлмаслиги лозим. Ижро ҳаракатлари жараёнида икки кишидан кўп бўлган миқдорда ички ишлар органлари ходимлари талаб этилса, ижро ҳаракатларида иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларининг миқдори катта суд ижрочиси томонидан туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда белгиланади. Ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимлари туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғига юборилган ёзма талабномада кўрсатилган жойга ўз вақтида етиб келишлари лозим.

Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жойга етиб келган ички ишлар органлари ходимлари жамоат тартиби сақланишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўрадилар.

Ички ишлар органлари ходими ижро иши юритуви тарафларининг, улар вакилларининг ёки ижро иши юритишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг

қариндоши бўлса ёхуд ижро иши юритиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, суд ижрочиси томонидан ижро иши юритишда иштирок этишига йўл қўйилмайди ва у рад қилинади. Ички ишлар органлари барча ходимларининг ижро ҳаракатларини амалга оширишдаги иштироки рад қилинган тақдирда, суд ижрочиси томонидан туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи номига ушбу ходимларни бошқа ходимлар билан алмаштириш тўғрисида ёзма талабнома юборилади. Ёзма талабномада ички ишлар органлари ходимларининг ижро ҳаракатларини амалга оширишдаги иштирокини рад қилиш сабаблари асослантирилган бўлиши керак.

Ички ишлар органлари ходимлари ижро ҳаракатлари амалга оширилишида қуйидагиларни бажаради:

- ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойга ижро иши юритувига алоқадор бўлмаган шахсларни киритмайди;

- зарурият туғилганида, ижро иши юритувидда иштирок этаётган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан танишиб чиқади;

- ижро иши юритилаётган жойда ишга алоқадор ҳужжатлар, ашёлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, қарздорлардан ундирилган пул маблағлари ва қимматбаҳо буюмлар, шунингдек бошқа мол-мулкларнинг бутлигини таъминлайди;

- суд ижросининг ижро ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан берган талабларини бажаради.

Суд ижрочиси томонидан ижро ҳаракатлари амалга оширилиши вақтида қарздор ёки бошқа шахслар ўзларининг ҳаракатлари билан ижро ҳужжатларини ижро этишга тўсқинлик қилганларида ички ишлар органлари ходимлари зудлик билан тўсқинликларни бартараф этиш чораларини кўради.

Қарздор ва бошқа шахслар суд ижрочиси ёки ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларини бажаришдан бўйин товласалар, бу ҳақда далолатнома тузилади, тегишли материаллар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши учун ижро ҳаракатлари амалга оширилган жойдаги жиноят ишлари бўйича судга топширилади. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида зарур бўлган ҳолларда ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўқотар ва бошқа турдаги қуроллар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда қўлланилади.

Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан ижро ҳаракатлари амалга оширилишини кейинга қолдиришга ҳақли. Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан кўпи билан ўн кун муддатга кейинга қолдириши мумкин. Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилган тақдирда қарор чиқаради ва бу ҳақда ижро иши юритиш тарафлари, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга маълум қилади. Ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилганда суд ижрочиси томонидан бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилади.

ХУЛОСА

Маълумки, Ўзбекистон мустақиллигига эришгандан сўнг ўтган 19 йил мобайнида нафақат жамият ҳаётида балки ҳар бир давлат органи соҳасида ҳам президентимизнинг шахсан ташаббуслари орқали улкан ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар орасида суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Маълумки суд-ҳуқуқ соҳаси тизимида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзига хос ўрин эгаллайди.

Ўрганилаётган ишимизда тўхталиб ўтганимиздек, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган ҳар қандай давлатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш усутвор вазифа сифатида белгиланиб, шунга монанд ички ва ташқи сиёсат амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Биз мустақиллик тараққиёт йўлида ўн тўрт йилдан буён кенг кўламли ислохотларни изчиллик билан олиб бормоқдамиз. Бу борада биз таналанган модель, жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнлари амалда ўзини оқлаганлиги кўп-кўп мисолларда кўришимиз қийин эмас. Бу-ҳаётимиз деярли барча жабҳаларда ўз тасдиғини ва исботини топган, кўпчилик томонидан тан олинган ҳақиқатдир»¹.

Миллий истиқлолнинг 16 йили мобайнида киритилган ғалабаларнисақлаб қолиш ва ривожлантириш вазифаси юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларимизнинг турмуш тарзи ва ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш, бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш сиёсатини давом эттирилиши тақозо қилиб турибди. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовнинг эътирофи этишича, “Бизнинг асосий ва узоқ муддатли стратегиямиз авваллигча қолади- бу демократик давлат фуқаролик жамияти куриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янад чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай изчил ва қатъият билан боришдир”². Мамлакатимиз ривожланишининг “ўзбек модели” асосида ижтимоий-иқтисодий юксалиш борасидаги ички ва ташқи сиёсати давом эттирар экан, ушбу босқичда вужудга келган масалаларни фуқаролик жамияти барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлат анъанлари руҳида ёндашишни сақлаб қолиши ҳамда бу мақсадда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ислохотларни янада чуқурлаштириш зарур. Назаримизда, фақат шундагина давлат мустақиллигининг дастлабки давларида кўлга киритилган улкан ютуқ ва ғалабаларни сақлаб қолиш учун имконият яратилади.

Юқорида биз ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилар эканмиз, тадқиқот иши давомида қўйидаги хулоса, тавсия ва таклифларга келдик:

Биринчидан, ҳуқуқни муҳрфаза қилувчи органлар тушунчасининг маъноси олимлар томонидан очиб берилди. Ундан ташқари рус олими ҳуқуқшунос

¹ Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди.-Т.: Ўзбекистон,2005.7-бет.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислох қилишдир.-Т.: Ўзбекистон,2005.34-бет.

Рыжаковнинг фикрича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлиб, жисмоний (юридик) шахсларнинг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминловчи муассаса, мансабдор шахс ёки бошқа шахслар (масалан, судья, терговчи, юридик ёрдам кўрсатувчи фуқаро) ҳисобланади;

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тушунчасини таҳлил қилиш билан бирга унинг ўзига хос бир қанча белгилари санаб ўтилди унга мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти махсус ваколатга эга бўлган, фаолияти, тузилиши, таркиби қонун билан қатъий тартибда белгиланган давлат органлари томонидан амалга оширилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти фуқаролар, жамият ва давлатни жиноятчилик ёки бошқа таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қонун билан белгиланган қатъий тартибда амалга оширилади. Ваколатли орган у ёки бу таъсир таъсир чорасини қўллаш ёки қўлламасликдан олдин ўша ҳолат бўйича қонун билан белгиланган қоидаларга риоя қилишга мажбурлиги, ҳуқуқий таъсир чораси қатъий тартибда қонун асосида бўлиши лозимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий белгилари бўлиб ҳисобланади;

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига қисқача тавсиф берилди ҳамда улар орасидан прокуратура, миллий хавфсизлик органлари, ички ишлар органлари фаолиятига, улар фаолиятини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қисқача тўхталиб ўтилди;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органларинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг асосий фаолият йўналишларини ўзида акс этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида асосан қонуности актлар етакчи ўринга эга бўлиб ҳисобланади. Бунга мисол қилиб 1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикасининг Ваирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида” ги Низомни келтириб ўтишимиз мумкин;

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишда асосан ижро ҳокимияти ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Чунки, айнан ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Фикримизга мисол сифатида 1996 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларини мустаҳкамлаш тўғрисида” ги, 1997 йил 27 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларини мустаҳкамлаш тўғрисида” ги, 2004 йил 6 майда қабул қилинган “Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорини ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин;

Олтинчидан, ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солишда Ички ишлар вазири томонидан қабул қилинадиган буйруқлар ҳам асосий манба бўлиб, уларнинг бошқа органлар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси) томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлардан асосий фарқи бундай актлар муайян аниқ бир йўналишни тартибга солишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туришида ҳисобланади. 2000 йил 23 апрелда қабул қилинган Ички ишлар вазирининг “Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” ги Буйруғи ҳам фикримизни тасдиқловчи далил бўлиб ҳисобланади;

Еттинчидан, ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳужжатлар тизимида ИИБ билан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорликда қабул қилинган ҳамда ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонуности актлар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бундай ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикаси ИИБ, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги билан ҳамкорликда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 3 ноябрда рўйхатга олинб, 2004 йил 13 ноябрдан бошлаб кучга кирган “Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарорини киритишимиз мумкин;

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ҳуқуқий базасини яратиш ва уларни янда ислоҳ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органларини ривожлантириш концепцияси” ни ишлаб чиқиш лозим;

Тўққизинчидан, ички ишлар органларининг фаолият йўналиши жуда кенг камровли бўлиб бунда уларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятларини турли соҳаларда кузатишимиз мумкин. Улар турли хил қонун ва қонуности актлар билан тартибга солинади. Бундай актларга мисол қилиб 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонунини, 2002 йил 26 февралда Ички ишлар вазирининг Буйруғи билан тасдиқланган ҳамда 2002 йил 7 майда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларида маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”¹⁴ ги Қарорини ва 2007 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинган ҳамда 2007 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергв ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ОИВ инекциясини юқтирганлар ва ОИТС га чалинган беморларга

¹⁴ "Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси", 2002 й. 9-сон.

антиретровирус даволаш тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”¹⁵ ги Қарори ва бошқаларни келтириб ўтишимиз мумкин;

Ўнинчидан, фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида "Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида" қонун қабул қилиш зарур.”

Ўн биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қонунчилик асослари жиҳатдан нафақат дунё мамлакатларидан балки, МДҲ давлатларидан ҳам орқага қолган бўлиб, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Милиция тўғрисида” ги Қонунини қабул қилиш вақти етиб келди ҳамда мазкур қонуннинг қабул қилиниши фақат инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга хизмат қилган бўлар эди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Милиция тўғрисида” ёки “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги Қонунини қабул қилишни таклиф қиламан;

¹⁵ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 52-сон, 543-модда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995. - 269 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1., Т.: Ўзбекистон, 1996. -364
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -381 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -365 б.
6. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -110 б.
7. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 110 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 429 б.

Норматив материаллар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008 й.
2. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. // Инсон ҳуқуқлари. -Т.: Адолат, 1998. -80 б.
3. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. // Инсон ҳуқуқлари. -Т.: Адолат, 1998. -80 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001. -624 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 апрелдаги 4-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат Бошқармаси тўғрисида»ги Низом
6. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг “Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилишида қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 9 декабрдаги 31-сонли Буйруғи.
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 25-сонли «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурор фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғи.
8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида» ги 2004 йил 33-сонли Буйруғи.
9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари тўплами.-Т.: 2006

10. Ўлим жазорини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2007.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. - М. 1995.
2. Алимов Х.Р. Административное право Республики Ўзбекистан. Учебник, Т., Академия МВД, 1999
3. Хидоятлов Б.Б. Проблемы регулирования дознания в Республике Узбекистан: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –Т.: Изд. центр Академия, 2002.
4. Давлетов А. Тезкор-қидирув фаолиятида прокурор назорати // Қонун ҳимоясида. - 2003. - №2. - Б. 32.
5. Ю.С.Пулатов, И.У.Исмаилов, А.Қурбонов. Ички ишлар органларида бошқарув асослари. Т., Ўзб. Рес. ИИВ Академияси, 2004. –Б-64-72
6. Рустамбоев М.Ҳ., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Олий ўқув юртлири учун дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2005.Б 355
7. Шарафутдинов А. Дастлабки тергов фаолиятининг стратегик йўналишлари/ / Ҳуқуқ. Право.Law.№2.-2005.-Б.45.
8. А.Х.Раҳмонқулов. Ички ишлар органларида дастлабки тергов. Т., Ўзб. Рес. ИИВ Академияси, 2005.
9. Рустамбоев М.Ҳ. Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ ислохотларининг ривожланиш истиқболлари. // ТДЮИ Ахборотномаси. - 2006. - №3. -Б.102.
- 10.Саттаров А.Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органларининг ўрни (Муаммолар, ечимлар ва истиқболлар) //ТДЮИ Ахборотномаси. - 2006. - №4. - Б. 55.
- 11.Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессида суриштирув. –Т.: ТДЮИ, 2006.
12. Исмоилов Ш.И Ички ишлар идоралари фаолиятининг янги асосларда шаклланиши ва ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш муаммолари// Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янги асосларда шакллантириш:ютуқлар ва муаммолар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари, -- Т.- 2007. – ТДЮИ, - Б.197.